### *Савоб олган етар муродга*



# АМИРҚУЛ БОБО ҚУРГАН ШИФОХОНА

Китоб туманидаги «Паландара» жамоа хўжалигининг Туюл қишлоғида бўлганимизда шу ерлик Амирқул бобо ўз маблағи ҳисобидан эски нураб ётган бино ўрнига янги қишлоқ врачлик пункти қурганлиги ҳақида хабар топдик. Хўжалик бошқаруви раиси Абдуҳамид Воҳидов ҳамкорлигида унинг ҳузурига ошиқдик. Юзларидан нур ёғилиб турган отахон бизни илиқ қаршилади.

- Бундан 30-40 йил муқаддам қишлоқда эски дўхтирхона бўларди, - дея гап бошлади у. - Кейинчалик у нураб, яроқсиз ҳолга келди. Туман соғлиқни сақлаш бўлими бош шифокори Барака Абдуллаев билан маслаҳатлашиб, эски бино ўрнига ўз ҳисобимдан янгисини қуриб беришимни билдирдим.

Бобонинг 12 нафар фарзанди бўлиб, улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатишади. Эркин, Абдураҳим, Маҳамади, Ахтамжон, Абдуқодир, Муҳиддин, Аҳрор ва бошқа азамат ўғилларини ёнига олиб, ўтган йилнинг ёзида бинони қуришга киришди. Эски бинодаги яроқли ёғочларни саралаб, етмаганига ўз ҳовлисида ўстирган тераклардан фойдаланди. Шундай қилиб икки хона, бир айвондан иборат шинамгина шифо маскани қисқа муддатда қуриб битказилди.

- Илгари авария ҳолатидаги шифохона ичкарисига киришга қўрқиб турардик, - дейди хўжалик бригадири Турдимурод Бойматов. - Амирқул бобо бу хайрли ишга қўл уриб, савобли иш қилди. Биз ҳам қараб турмадик. Ҳозирги кунда 600 нафардан ортиқ аҳолига хизмат қиладиган бу шифохонада ўз ишини миридан-сиригача ўзлаштириб олган шифокор Роҳила Пўлатова ишламоқда. У қачон, қай вақт бўлмасин қишлоқдошлари мушкулини осонлаштиришга ҳаракат қилади.

Бино қурилиши учун 300 минг сўм маблағ сарфланди. Шифохона олдида 5 сотихлик майдонча ҳам бор. Бу йил баҳорда Амирқул бобо ушбу ерга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазмоқчи.

**Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири.**

***Суратда*: 1. Амирқул бобо Раҳимов фарзандлари билан.**

### *Сирдарё вилояти Кенгаши сессиясидан кейинги ўйлар*

***Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларда оқсашлар яққол сезилиб қолди. Бу Сирдарё вилоятига ҳам тааллуқли. Юртбошимиз ушбу вилоят кенгаши сессиясида таъкидлаганидек, хўжакўрсинга ишлаш деҳқонларни даладан бездириб қўймайдими? Деҳқонлар тафаккурида ҳақиқий хўжайинлик, ўз ерига ва етиштирган маҳсулотига эгалик ҳисси шаклланганми? Қолаверса меҳнаткашлар даромадидан кўнгли тўқми? Ана шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида миришкорлар билан суҳбатлашдик.***

# ЭНДИ ХЎЖАКЎРСИНГА ИШЛАШ КЕТМАЙДИ

**Вали БОБОМУРОДОВ, Сайхунобод туман Янгиобод ширкат хўжалиги ижарачиси.**

- Юртбошимизнинг оила пудрати, ижара муносабатларини ривожлантириш борасида қимматли фикрларини телевизор орқали ҳаяжон билан тингладик. Узоқ йиллардан буён ўзини оқламаган иш юритишнинг қотиб қолган усулларидан воз кечиш фурсати етди. Бизга энг маъқул тушгани деҳқончилик қилинадиган ерларни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқини берадиган ижара мулкчилигини жорий этиш тўғрисидаги фикри бўлди.

Хўжаликдан 20 гектар ерни оиламиз билан ижарага олганмиз. 1999 йил 61 тонна шоли топшириш шартномасини имзолангандик. Режадагидан 38 тонна кўп ҳосил йиғиштириб олдик. Ҳосилнинг 18 тоннаси соф даромад сифатида ўзимизга қолди. Уни пулга чақадиган бўлсак, қарийиб 2 миллион сўм бўлади. Шу боис ишчиларимизнинг ўртача ойлик маоши соф даромаддан ташқари 12 минг сўмни ташкил этди. Турмуш яхшиланди. Меҳнатга рағбат кучайганлиги боис ишга муносабат ўзгарди.

Бу йил янада ҳам самарали ишлашни режалаштириб турибмиз.

**Зокир АБДУРАЗЗОҚОВ. «Ишонч» фермер хўжалиги раҳбари.**

- Истаймизми, йўқми, мулк ўз эгасигагина қадрли. Буни ўз бошимиздан ўтказганмиз. 35 гектар еримиз бор. Зиммага олган шартномани ошириб адо этганмиз. Атрофимиздагилар даромаддан нолиб юрган айни чоғда бизнинг кўнглимиз тўқ. Негаки, йилни 1,5 миллион соф фойда билан якунладик.

Тан олиш керак. Баъзи идораларда ҳамон расмиятчилик, тўрачилик барҳам топмаяпти. Кўп ҳолларда улар масалани ҳал этишда буйруқбоз бўлиб олишади. Ҳатто фермер ҳисобидаги маблағга ҳам хўжайинлик қилиб қолиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Аммо биз ҳам бўш келаётганимиз йўқ. Энг муҳими, ҳукуматимиз фермерларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу эса бизни унумли ишлашга ундаётир.

**Абдуғани АБДУСАЛОМОВ. Мирзаобод туманидаги «Янгиобод» ширкатлар уюшмаси бригада бошлиғи.**

- Хўжалик таркибида фаолият кўрсатиб келамиз. 38 гектар ер майдонимиз бор. Мана икки йилдирки, пахта-ғалла топшириш режаси барбод қилинмоқда. Гапнинг рости одамлар меҳнатдан совиб қолди. Гоҳида ҳамма юмуш ўзимизга қолиб кетади. Чунки механизатор, сувчи, чопиқчига иш ҳақи тўлаш керак. Аммо ҳали бирор маротаба ҳам бунга эришилгани йўқ. Одамлар 2-3 йил сабр қилишди. Охир-оқибатда ишонч йўқолди. Турли тирикчилик манбаларини қидириб кетишди. Шу жамоа раҳбари бўлатуриб йил давомида бир-икки маротаба 500-600 сўм атрофидаги маошга эга бўламан. Аҳвол ўнгланиши қийин кечаяпти. Аввал совхоз эдик. Кейинчалик ширкат услубига ўтиб ишлай бошладик. Лекин ҳали бирор ўзгаришни билганимиз йўқ. Тўғри, йил бошида қуруқ вадалар кўп бўлади. Топширган ҳосилингдан манфаатдор бўласан, дейишади. Хирмон кўтарилганда эса эски ҳаммом, эски тос. Режани бажарган чоғларда ҳам умумий харажат ошиб кетганлиги боис қуруқ қолиб кетавердик. Шунинг учун қишлоқ хўжалигидаги қотиб қолган бу усулдан воз кечиш лозим. Шунда деҳқон ўз манфаатини билиб ишлайди.

**Н.ШАМСИЕВ ёзиб олди.**

### *Таҳририятга хат*

# МУШКУЛИМ ОСОН БЎЛДИ

Ҳукуматимиз раҳбарияти аёллар ҳақида алоҳида меҳрибонлик кўрсатмоқда. Жумладан, ўтган йил 1-июндаги Президент Фармонига кўра барча ҳамкасбларим қатори мен ҳам кўпгина имтиёзларга эришдим. Чунки кутубхоначилик вазифасида 28 йилдан буён узлуксиз меҳнат қилиб, бундай имкониятни кўрмагандим.

Иш фаолиятимнинг 15 йилини Косонсой сиҳатгоҳида кутубхоначи вазифасида меҳнат қилиб, шу ташкилот ихтиёридаги уйда яшардим. Ўтган йилларда газ, сув, электр энергия ва квартирага юз фоиз ҳақ тўлардим. Айнан шу масалаларда бизга имтиёзлар борлигини билар эдим, бир неча бор тегишли мутасаддиларга бу ҳақда айтганимда асос керак, деб ҳужжатларимни қабул қилишмаганди.

«Ишонч» рўзномасининг «Биздан сўрабсиз?» рукнида чоп этилаётган савол-жавоблардан кўп нарса билиб олдим. Ва ҳозир имтиёзлардан баҳраманд бўляпман.

**Т.ҒАФУРОВА, Косонсой тумани.**

# ЯНГИ ПУНКТЛАР АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Мустақиллик боис бошқа соҳалар каби тиббиёт тизимида ҳам кўплаб ижобий ишлар амалга оширилаяпти. Янги ишга туширилган тиббиёт муассасалари айниқса қишлоқ жойларида врачлик пунктларининг фойдаланишга топширилиши бевосита қилинаётган ишларнинг амалий самарасидир. Бу шахобчалар бугунги кунда жаҳон андозаларига мос тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бу эса қишлоқда яшаётган аҳолини шу ернинг ўзида тиббий кўрикдан ўтказишга имкон беради.

Чиноз туманида ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури бўйича бир мунча ишлар амалга оширилди. 1997 йилда «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги марказида барча қулайликларга эга бўлган қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилган бўлса, 1998 йилда эса «Дўстлик» жамоа хўжалигида ҳам ана шундай замонавий қишлоқ шифохонаси ишга тушди.

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида»ги фармони эълон қилингач, бу ишлар кўлами яна ҳам кенгайди.

Хўш, айни пайтда қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига қандай қулайликлар яратмоқда. Шуни айтиш керакки янги шаҳобчалар бугунги кунда нафақат илғор тиббиёт ускуналар билан жихозланган, балки малакали ходимлар билан ҳам таъминлангандир. Биргина Навоий номли жамоа хўжалиги қишлоқ врачлик пунктида яратилган шарт-шароит бу ерда истиқомат қилувчиларнинг узоқ масофага қатнамасдан шу ернинг ўзида шифо топишига имкониятлар яратди.

Айни пайтда янги шифохоналарда физиотерапия, стоматология, гнекология бўлимлари мавжуд бўлиб юқумли касалликлар ташхисларини тез аниқлашда барча қулайлик мавжуд. Шунингдек, мазкур врачлик пунктида 10 нафар беморга мўлжалланган кундузги даволаниш бўлими ҳам бор. Амир Темур номли ширкат хўжалигида янги врачлик пункти қисқа даврда қуриб битказилиб, Охунбобоев номли жамоа хўжалигида лойиҳа ишларини жадаллаштириш режалаштирилган. Шунингдек, «Эшонобод» жамоа хўжалигидаги врачлик амбулаторияси ҳам юқоридаги йўналишда шифо масканига айлантирилади.

**Сайёра ҒУЛОМОВА.**

# АРЗОН, ХАРИДОРГИР

Кўзи ожизлар жамиятининг Сариосиё ишлаб чиқариш корхонасида ранг-баранг халқ истеъмоли моллари тайёрланади.

Ўтган йили бу ерда 2 миллион 281 минг 800 сўмлик иш бажарилиб, буюртмачиларга 10 минг 200 погон метр пойандоз, 348 дона кўрпа, 354 дона тўшак, 562 дона ёстиқ ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди.

— Бозор иқтисодий талабларига мослашиб, арзон ҳамда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланяпмиз, - деди корхона директори Шамсиддин Ҳожиев. - Ўтган йили Тошкент шаҳридаги турдош корхонадан шиша идишларнинг темир қопқоғи учун ишлатиладиган картон ёстиқчалар тайёрлайдиган иккита носоз дастгоҳни келтириб, таъмирдан чиқардик. Йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, бу дастгоҳларда маҳсулот тайёрлана бошлади. Шу пайтгача бу ерда 3 миллион 235 минг донадан кўпроқ картон ёстиқча тайёрланди. Денов шаҳридаги ҳамда Қашқадарё вилоятидаги виноароқ заводлари янги маҳсулотнинг доимий харидорлари ҳисобланади.

Корхонада яна бир муаммо ўз ечимини топди. Авваллари янги турдаги маҳсулот тайёрлаш учун хом ашё - картон республика пойтахтидан олиб келинар, натижада маҳсулот таннархи қимматлашиб кетарди. Эндиликда бу муаммо барҳам топди.

**Мусурмон ТИЛАКОВ, «Туркистон-пресс»**

# АЖОЙИБ ПЕЧЛАР САМАРАСИ

Шаҳрисабздаги «Дон - халқ ризқи» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида ҳар ойда 130 тонна ундан турли хил нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаётир. Германиянинг «Винклер» фирмаси ускуналари билан жиҳозланган цеҳда 13 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

Жамият нон маҳсулотлари сотишдан 2000 йилда миллион сўмдан ошиқ соф фойда олишни мўлжаллаяпти. Хориж ускуналари ёрдамида тайёрланаётган нонлар сифатлилиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда.

# ТЕРАКЗОРЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Навоий вилоятида кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор берилаётир. Хатирчи, Навбаҳор, Қизилтепа туманларида уруғлик кўчатлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Калифорния теракчалари йўл ва ариқ бўйларига ўтказилаётир. «Нуроний» жамғармасининг туманлардаги бўлимлари ушбу иш масъулиятини ўз зиммасига олган. Жамғармага қарашли 26 та кичик корхонада калифорния тераклари қаламчалари тайёрланиб, хўжаликлар, ташкилот ва корхоналарга сотилмоқда. Хатирчи туманидаги «Шамс» кичик корхонасида 100 минг тупга яқин кўчат сотувга чиқарилди.

Ўтган йили вилоятда 3,5 миллион туп кўчат ўтказилган эди. Ҳозирги кунда 179 гектар теракзор барпо этилиб, 16 миллион дона калифорния тераклари парвариш қилинмоқда. Дастлабки экилган тераклар кесиб олиниб, қурилиш иншоотларига етказиб берилмоқда.

# ҚУТЛАЙМИЗ!



### *Ҳурматли Каримали МУХТОРОВ!*

Қутлуғ 60 ёшингиз муборак бўлсин. Сиз ўзингизни том маънода бахтли инсон деб аташга тўла ҳақлисиз. Боиси, узоқ йиллик фаолиятингиз давомида иқтидорли ҳуқуқшунос сифатида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқини тиклаш, тарғибот-ташвиқот ишларини намунали йўлга қўйишда алоҳида жонбозлик кўрсатиб келмоқдасиз.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси меҳнат ҳуқуқ бош инспектори сифатида тинмай изланиб чоп этган методик қўлланмаларингиз ҳозирги кунда ғоят асқотмоқда. Шунингдек, "Ишонч" газетасида меҳнаткашлардан келган саволларга тўлақонли жавоблар бериб, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини чуқур англашлари ва ҳимоя қила билишларига яқиндан кўмаклашмоқдасиз. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида соҳа мутахассисларига меҳнат қонунчилиги юзасидан ўқиётган маърузаларингиз, суҳбатларингиз кўпчиликда қониқиш ҳосил қилмоқда. Буларнинг ҳаммаси Сизга обрў-эътибор келтирди. Қувончлиси шуки, Сиз тарбиялаган шогирдлар - малакали ҳуқуқшунослар айни кунларда республика меҳнат жамоаларида тарғибот-ташвиқот ишларини намунали олиб бормоқдалар.

Ҳар бир инсоннинг бахти, қувончи унинг оиласи, жондан азиз фарзандлари албатта. Умрдошингиз Мамлакат опа билан 5 фарзандни меҳнатсевар, одамохун, эл-юрт ишига камарбаста инсонлар этиб тарбияладингиз. Шу унутилмас кунларда Сизга мустаҳкам соғлик-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз, ҳамиша эъзозда, иззату-икромда ҳаёт кечиришликни Яратган насиб айласин деймиз!

**Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.**

# ЧИРОҚ ҲАҚИДА ГАПИРИШ ЭНДИ УЯТ

Шанба дам олиш куни бўлгани боис, турмуш ўртоғим ва фарзандларим ҳоли жонимга қўймай, Чироқчидаги қариндошларни кўриб келайлик, дейишди. Йўл узоқ, бу ёғи қиш фасли бўлса дея иккиланиб йўлга чиқдик. Очиғи, у ерга боришга ўзимнинг ҳам кўнглим уриб турарди. Чунки Чиялининг чиллада ҳам ҳавоси жонга роҳат бағишлайди-да! Биз тушган енгил машина Чироқчи туманидаги Аҳмад Яссавий номли хўжаликка қарашли Ҳардури қишлоғидаги бекатга тўхтади.

Қариндош-уруғлар бизни илиқ қарши олишди. Аммо уялганлариданми: «Чироқ ҳам ўчган, сизларда бундай бўлмаса керак»дея қоронғу хонага олиб киришди. Стол атрофида ўтириб, энди суҳбатимиз қизиган пайт «Лип этиб» электр чироқлари ёнса бўладими? Қариялар қувонганидан, пойқадамларинг қутлуғ экан, дея юзларига фотиҳа тортишди. Лекин қувончимиз узоққа чўзилмади. Бир-икки соат ўтар-ўтмас чироқ яна ўчди. Гурунг орасида Ҳардури қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тоҳиржон Азимов хўжалигимизда ҳар куни кеч кириши билан аҳвол шундай бўлади, дея изоҳ берган бўлди. Бу ҳақда республика телевидениесига ҳам, туман ҳокимлигига ҳам бир неча бор мурожаат қилиб кўрдик. Бироқ натижа бўлмаяпти.

Ўйлаб қоласан киши, жамоа хўжалигининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари барча соҳада деярли ёмон эмас. Ҳардури қишлоғи аҳли ҳам ана шу жамоа хўжалигининг бир бўлаги саналиб, тадбиркорлик билан иш кўриб, юқори натижаларга эришаётганлар сирасидан. Шундай бўлса-да, бу муаммо негадир мутасадди ташкилотлар ва раҳбарларнинг назаридан четда қолган.

Хонадонлар электр энергияси билан мунтазам таъминланмай келаётганидан ташқари, иситиш тизимлари ҳам бу ерда йўқ ҳисоби. Раҳбарларга учрашиб, дард-ҳол қилсангиз, маблағ йўқ, дейишдан нарига ўтишолмайди. Қишлоқ ижтимоий инфраструктураси дастури бўйича ибратли иш кўраётган бошқа хўжалик ва ташкилотлар маблағни қаердан топаётганикин, деган фикр хаёлга келади.

Хўш, Ҳардури қишлоғида истиқомат қилаётган фуқаролар ҳамма қатори меъёрий шарт-шароитга эга бўлиши учун яна қанча кутиш мумкин? Эҳтимол, қишлоқ оқсоқолларининг бу саволига Чироқчи тумани ҳокими ёхуд жамоа хўжалиги раҳбари жавоб беришар.

**Аҳмад МИРАКОВ.**

### *Тадбиркорлик давр талаби*

***Мамлакатимиздаги меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти. Бироқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Мухбиримизнинг «Зангиота» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Иномиддин Мухиддинов билан суҳбати ана шу ҳақда бўлди:***

# «ЗАНГИОТА» БОЙЛАРИ

— Ҳар бир меҳнаткаш рўзғоридан, оиласидан кўнгли тўқ бўлсагина бажараётган иши унумли, баракали бўлади. Хўжалигимиз асосан мева-сабзавотчиликка ихтисослашган. Далаларда меҳнат қилаётган кишиларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида биринчи галда уларнинг томорқа ерларидан қандай фойдаланаётганликларини ўргандик. Ернинг умрини бекор ўтказаётган айрим хонадонлар соҳиби билан алоҳида суҳбатлар ўтказдик, тушунтириш ишлари олиб борилди. Биринчи бўлиб ўзим, раҳбар сифатида намуна кўрсатдим, яъни икки сотих ерда иссиқхона ташкил этиб, қорамол сотиб олдим. Идора ходимларини, фаолларни ҳам бунга даъват этдим.

Ҳозирги кунда хўжалигимизда ишлайдиган, шу ҳудудда яшайдиган ҳар бир кишининг уйида иссиқхона, қорамол, парранда бор. Ҳеч ким бўш вақтини бекор ўтказмайди, дақиқалар маълум мақсадга йўналтирилган. Энг муҳими, одамлар томорқадан фойда кўришнинг ҳадисини олмоқда. Томорқадан ҳар йили уч-тўрт бор хосил олаяпти, рўзғоридан ортганини эса бозорга чиқармоқда.

Масалан, чорвадоримиз Мирза Абдувалиевнинг 8 сотих ери бор. Иккита иссиқхонасида «хризантема» гуллари ва янги помидор етиштираётганлигини айтди. Шавкат Исхонбеков эса бош ҳосилот. У ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишдан ташқари йил ўн икки ой бозорни редиска, чеснок, кўкатлар билан таъминлайди. Бир боғ редиска ўртача 35 сўм, бир боғ чеснок 40 сўм, кўкат бир боғи 15 сўмдан сотилганда ҳам рўзғорга анча-мунча тушум бўлиши, иқтисодий муаммоларни ҳал этиши турган гап.

Раҳим Абдуллаев хонадонида 9 жон яшайди. Томорқа ерининг учдан бирига иссиқхона қурдирган. Бу ерга ҳамда қолган ерга плёнка остига редиска эккан. Ҳозир у етилиб турибди. Ҳадемай ер бўшагач, картошка, сабзи, кўкат каби экинлар пуштага экилади. Аввал редиска, кўклар, кейин сабзи йиғиб олиниб, картошка парвариш қилинади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Тадбирлар одамлар фаровонлигининг ортишига имкон бермоқда. Томорқадан олинаётган даромад ҳисобига уйлар солишмоқда, тўйлар қилишмоқда, машина сотиб олишмоқда. Энг муҳими, одамларнинг юз-кўзларидан турмушидан шод эканлиги кўриниб турибди.

— Бундай даромадлар ўз-ўзидан келмайди. Бунинг учун кўп вақт талаб этмайдими? Айниқса, хўжаликдан ажралмаган ишчининг улгуриши, вақт топиши қандай бўлади?

— Яхши яшашни хоҳлаган одам яхши турмушга меҳнат билан эришади. Ҳали Раҳим Абдуллаевнинг хонадонида 9 жон бор дедик. Улар ишдан; мактабдан кейин телевизор, магнитофон олдида соатлаб мудраб ўтириш ўрнига бўш вақт топилган заҳот иссиқхонада меҳнат қилишади. Натижада ёшлар шуурида ҳам меҳнатга кўникма ҳосил бўлмоқда, мустақил ҳаётга қадам қўйганда рўзғорини қийналмай тебратади, меҳнат билан топаётган ҳар бир сўмининг қадрига етади.

Албатта ёшларга меҳнат кўникмаларини кичик ёшидан сингдириб борилгани яхши. Бозорда ўтириб нарса сотиш ҳам осон иш эмас. Лекин яшаш учун кураш бозорсиз бўлмайди. Бозор иқтисоди заруратларидан бири ҳам шуни тақозо этади.

**Темур ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.**

*Хушхабар*

# АРТУР ГРИГОРЯННИНГ 11-ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон боксининг фахрига айланган Артур Григорян профессионал боксдаги 11-ғалабасини қўлга киритди. Германия пойтахти Берлинда ўтказилган жангда ҳамюртимиз италиялик Сандро Казаманикини мағлуб этди. WBO йўналиши бўйича 3-рақамли боксчи ҳисобланган Казаманики 9-раундда техник нокаутга учради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳамюртимизнинг 32 ёшли бу рақиби анча тажрибали, кучли боксчи ҳисобланарди. У профессионал боксдаги бутун фаолияти мобайнида 25 маротаба жанг ўтказиб, шундан 23 тасини ғалаба (19 таси нокаут) билан якунлаганди. Бу ажойиб кўрсаткич эса мазкур жанг боксчимиз учун осон кечмаслигини билдирарди. Бироқ, барибир, Артур Григорян ўзининг ҳақиқий бокс қироли эканлигини исботлади. Бу билан «Қирол Артур» 11-бор олтин камарни ўзида сақлаб қолди.

*2000 йил — Соғлом авлод йили*

# ОРОМБАХШ СИҲАТГОҲЛАР, МАЛАКАЛИ ШИФОКОРЛАР

***Яқинда республика шифокорларининг севимли нашри — «Неврология» журналида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси бошлиғи А.ЙЎЛДОШЕВнинг мустақиллик йилларида меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишларга оид мақоласи чоп этилди.***

***Ушбу мақолани муштарийларимиз эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.***



Маълумки, Республика аҳолисига санаторий-курорт хизмати кўрсатиш йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Муҳтарам Президентимиз томонидан 1998 йил 11 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида»ги фармонига кўра санаторий-курорт хизматини яхшилаш, улар ишини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси тизимида 1999 йилгача 17 та санаторий муассасалари ва битта мавсумий дам олиш маскани фаолият кўрсатарди. Сиҳатгоҳларнинг даволаш имконияти - 4941 ўриндан иборат эди. Кейинги йилларда бир қанча санаторий-курортлар очилди. Масалан, ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида 75 ўринли кўп тармоқли янги санаторий қурилиб, ишга туширилди. Эски 3-4 ўринли хоналар таъмирланиб, қулай шароитларга эга бўлган 1-2 хоналар ташкил қилинди ҳамда замонавий анжомлар билан жиҳозланди. Ҳозирги кунда халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилаётган 18 та сиҳатгоҳдан 14 таси кўп тармоқли бўлиб, қолганлари маълум бир соҳага ихтисослаштирилган.

Сиҳатгоҳларнинг кўпчилигида маъданли булоқ сувлари билан беморларни бальнеологик-даволаш олиб борилмоқда. Улар таркибига кўра Кавказ, Россия, Украина ва бошқа бир қатор хорижий давлатлардаги минерал сувлардан қолишмайди. Сиҳатгоҳларимиз малакали шифокор мутахассислар билан таъминланган. Кейинги 2-3 йилда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Чунончи «Турон» сиҳатгоҳида «Алоқа-500» УЗИ ва Toshiba аппаратлари ёрдамида беморларга тиббий ёрдам кўрсатаяпти.

Бошқарма томонидан жорий йилда таъмирлаш ишлари, қўшимча коттежлар, дам олиш хоналари ва сув ҳавзаларини қуриш учун 600 миллион сўм сарфланди.

«Турон», «Чинобод», «Чортоқ», «Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳларида компьютер лазер аппаратлари ишлаб турибди.

Бир қатор сиҳатгоҳларда сувости массаж қурилмалари, Шарко души, лазер, магнит ва янги замонавий физиотерапевтик аппаратлардан самарали фойдаланиляпти.

1999 йил «Аёллар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ҳамма сиҳатгоҳларда «Аёллар кўрик хоналари» очилди. Бугунги кунда бу жойларда малакали гинеколог шифокорлар беминнат хизмат қилмоқдалар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, сиҳатгоҳларда дам олаётган, даволанаётган кишиларнинг истакларига биноан республикамиз иқлими, миллий хусусиятлари, беморнинг касалини ҳисобга олган ҳолда овқатлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бошқарма йўлланмалар нархини имкон даражасида арзонлаштириш учун ҳаракат қилмоқда. Қолаверса ҳозирги мавжуд йўлланмалар нархи республикамиздаги бошқа вазирлик идораларига қарашли сиҳатгоҳларникидан анча арзон.

Айни чоғда тизимдаги санаторийлар йил сайин ўз ишларини такомиллаштириб, дам олувчилар ва даволанувчиларга муносиб хизмат кўрсатмоқда. Сиҳатгоҳлар шифокорлари, хизматчилари эса ҳар бир дам олувчига малакали хизмат кўрсатиб, соғлиқларини тезроқ тиклаб олишлари учун фидойилик билан меҳнат қиляптилар.

Республикамиз меҳнаткашлари соғлиғи ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмалари сиҳатгоҳлари дам олувчиларга ҳамиша мунтазир.

# УСТОЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

«Жисмоний тарбия ўқитувчиси йили» республика танловига якун ясалди. Ўзаро беллашувда 20 га яқин моҳир ва тажрибали муаллим ана шу нуфузли танлов совриндорлари бўлди.

Тошкент вилояти мактаблари вакиллари ҳам ўзаро беллашувда яхши кўрсаткични қўлга киритишди. Айниқса, Бекобод шаҳридаги 10-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Карим Ҳайдаров юқори балл тўплади.

Жисмоний тарбия дарсларини қизиқарли ташкил этиб келаётган бу ўқитувчининг гимнастика машқларини уюштириш борасидаги педагогик маҳорати алоҳида кўрсатиб ўтилди.

**А.АЛИЕВ.**

*Маънавият сарчашмаси*

# ПУБЛИЛИЙ СИР ҲИКМАТЛАРИ

***Одам табиатан эзгуликка интилиб яшайди, яхши ном қолдиришга ҳаракат қилади. Эрамиздан аввалги биринчи асрда яшаб ижод қилган қадимги Рим алломаси Публилий Сирга тегишли ушбу ҳикматга эътибор қилинг-а: «Сени, - деб ёзганди аллома, — ким деб ҳисоблашлари эмас, аслида кимлигинг муҳимдир». Ана шу «кимлигини» яратиш учун, билдириш учун ҳам ном қолдириш керак. Номи қолган кишиларгина «кимлигини» билдиради, яъни у «нималаргадир» қодир бўлади. Заҳматли меҳнат, машаққатдан чўчимайдиган, қийинчиликларга бардошли кишиларгина бунга эришади. Мўъжизалар, қаҳрамонликлар шу тариқа дунёга келади. Ёруғ дунёда яшаш, бу катта имтиҳон деб бежиз айтишмайди. Ўзаро мулоқот ўзлигимизни англаш ва англатишда бирламчи омил ҳисобланади. Балки шу боис аллома самимиятни улуғлайди. Аммо қилган яхшиликни миннат қилмасликка, юзга солмасликка чақиради. Мана аллома нима дейди: «Сенга қилинган яхшиликни унутма, лекин ўзинг қилган яхшиликни унут». Нақадар ибратли панд. Унга амал қилган инсон фақат ютади, эл орасида обрўйи ортиб, эътибор қозонади. Зикр этилган ҳикматнинг аҳамияти яна шундаки, у айни вақтда камтарликка ҳам чорлайди.***

Аллома одамгарчиликни улуғлайди, инсонийликка чақиради. «Чинакам яқинлик, — дейди у, — ўзаро мурувват кўрсатишдир». Муруввватда хосият катта. Аммо қалби кенг, дили очиқ, одамохун кишиларгина шундай фазилат эгаси бўлишади. Аммо шуҳрат кетидан қувиш, ясама обрўлар ясаш ҳеч қачон яхшиликка олиб бормайди. Бу борада Публилий Сирда бир-биридан ажойиб ҳикматлар мавжуд: «Шон-шуҳратдан кўра, — деганди аллома, — виждонинг ҳақида ўйла». Дарҳақиқат, фақат ўзини ўйловчи одам охир-оқибат иззатталаб, бадфеъл, худбин бўлиб қолади. Уларни шуҳратпарастлар ҳам дейдилар. Бу эса ўта ёмон иллатлардан. Шон-шуҳратни қувиш керак эмас, агар сен унга лойиқ бўлсанг, унинг ўзи сени қидириб топади.

Аллома виждон масаласига ҳам алоҳида тўхталади. Чунки инсон учун виждон — энг олий ҳакам. Уни поклик безайди, тўғрилик унинг қисмати. Хиёнатдан виждон озор чекади. ноҳақликдан эзилади. Тозалиги шаффофдек, беғуборлиги ақиқадекдир. Аммо зинҳор ва зинҳор, унга панд бериш керак эмас. Виждонни қийнаш салбий оқибатларга олиб келади. Бу борада Публилий Сирга қулоқ тутинг, қанақа наволар таралаётган экан. «Виждон яраси ҳеч қачон батамом тузалиб кетмайди». Дарҳақиқат тиғ яраси битади, аммо виждон яраси чандиғи бир умрга қолади. Уни даволаш ҳам мумкин эмас. Кечиримлилик, босиқлик, инсоний хислатлардан бўлиб одамзотга доимо фойда келтирган.

Ғайрат, шижоат ҳамиша одамларга яхшиликлар олиб келган. Дунёдаги барча эзгуликларнинг асосида ғайрат ётади, десак муболаға бўлмайди. Ғайрат муваффақиятлар гарови, зафарларнинг сабабчисидир. Аксинча, сусткашлик туфайли бўладиган иш ҳам бўлмайди. Публилий Сир бу ҳақда шундай дейди: «Сусткашлик — фақат ғазабланган вақтдагина фойдали». Ибратли ҳикмат, маъқул хулоса ва шу боис ҳам аллома одамларни уятандишали, ор-номусли бўлишга даъват этади. У шундай дейди: «Кимки ўз қилмишидан уялмаса, у икки карра айбдор». Одам энг аввало ўзидан уялиши керак. Бунинг учун ички «мен» кучли бўлиши шарт.

Оғирлик ўлчови сифатида тош-тарозу эътироф этилгани каби инсоний фазилатларнинг ҳам ўз мезон меъёри бор. Меъёр бузилса, ҳамма жабҳада парокандалик юз беради.

Публилий Сир бу борада ажойиб ҳикмат битган: «Керагидан ортиқ нарсага интилиш, муҳтожлик кетидан қувмоқ демакдир».

Умуман Публилий Сирнинг одоб-ахлоқ ҳақидаги қарашлари ибратли бўлиб одамлар маънавий дунёсининг шаклланишида ҳамон хизматда. «Муқаррар нарсадан қўрқиш нодонликдир», — деганди аллома. Ҳаётдаги энг даҳшатли ҳодиса, бу ўлимдир. Аммо ундан қўрқиш, уни кутиб яшаш бемаъниликдир. Аксинча, унга ҳаётнинг қонуний ҳодисаси деб қараб, мазмунли яшашга интилиши керак. Шундагина инсон ўз умрининг қадрига етган бўлади.

**Мусоқул УСМОНОВ,**
**профессор.**

*Футбол*

# МЎҒУЛИСТОН - МЕҲМОНИМИЗ

27 феврал куни Мўғулистон миллий терма жамоаси ЎРФФ таклифига биноан юртимизга ташриф буюради. Меҳмонлар Тошкентда бир ҳафта мобайнида машғулот йиғинини ўтказиш билан бирга 4 та ўртоқлик учрашуви ўтказишни ҳам режалаштирган.

29 феврал куни Мўғулистон миллий терма жамоаси МҲСК ўйингоҳида мамлакатимиз миллий терма жамоаси билан учрашади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ушбу учрашув терма жамоамизнинг янги йилдаги илк беллашувидир. Жамоа бош мураббийи вазифасини бажарувчи В.Борисов шу куни учрашувда терма жамоага номзод бўлган 18 нафар футболчини синовдан ўтказади. Мазкур ўртоқлик учрашувига «Навбаҳор»дан С.Турсунов, Л.Кошелев, Р.Ғофуров, Ш.Раҳмонқулов, А.Солиев, «Дўстлик»дан Н.Ҳасанов, А.Маъруфалиев, В.Пономарёв, К.Кузнецов, Ж.Ирисметов, «Нефтчи»дан Г.Забиров, Р.Маталиев, У.Исоқов, А.Бердиев, «Андижон»дан Қ.Олимжонов, О.Пирматов, «Самарқанд»дан Д.Файзиев, «Семурғ»дан Э.Қосимовлар жалб этилган. Мураббийлар ҳозирда Россия клубларида «қўним» топган ёки ҳалиям ўз бахтларини хориж майдонларидан излаётган етакчи футболчиларимизга дам беришга қарор қилишди. Айтиш мумкинки, Осиё чемпионати баҳсларида иштирок этадиган терма жамоамиз учун нафақат ушбу, балки ўтказилиши лозим бўлган барча ўртоқлик учрашувлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2 март куни мўғулистонлик футболчиларни олий лига дебютанти Ангреннинг «Семурғ» жамоаси ўз майдонида қабул қилса, 3 март куни меҳмонлар юртимиз ёшлар терма жамоасига қарши майдонга тушадилар. Тўртинчи учрашув 4 мартда «Кимёгар» ва Мўғулистон терма жамоаси ўртасида бўлиб ўтади.



*Кексаликнинг гашти ажиб, ўзгача,*
*Ҳар асно, лаҳзаси мўъжиза, сеҳр.*
*Қанийди яшаса ҳамма... юзгача!*
*Ва кўрса ҳамиша самимий меҳр.*

**Б.ҲАМРОҚУЛОВ** олган сурат.

*Дил нидоси*

# ҚУЁШ ШУ ЮРТГА БОҚАВЕРАДИ

***Ҳаёт - оқаётган азим бир дарё,***
***Шундай яралмишдир азалдан дунё.***
***Кимлардир англайди унинг қимматин,***
***Кўрсатиб инсоний бурчин, ҳимматин.***
***Кимлардир турмушни ўйинчоқ билур,***
***Кўнгил хушлигига овунчоқ қилур.***
***Кимдир бу дарёга тош отмоқ истар,***
***Тип-тиниқ сувини лойқатмоқ истар.***
***Ойнадан ноўрин ўпкалаганлар,***
***Еб турган нонини тепкилаганлар,***
***Мўътабар Ватанин сотмоқчи бўлиб,***
***Шу йўсин бойликка ботмоқчи бўлиб,***
***Кўршапалак каби ёқтирмайди нур,***
***Тирноқ орасидан ахтаради кир.***
***Лек азим дарёга писандмас хаслар,***
***Виждони нопоклар, ахлоқи пастлар.***
***Офтобни тўсолмас бир парча булут,***
***Ёвузлик, хоинлик келтиролмас қут.***
***Уларнинг бошига ёғилур лаънат,***
***Оллоҳ ҳам шундай деб йўллаган даъват.***
***Ит ҳурар, лек карвон ўтар бегумон,***
***Кўзланган манзилга етар бенуқсон.***
***Оқар сув ҳамиша оқаверади,***
***Қуёш ҳам бу юртга боқаверади.***
***Халқим Йўлбошчимга камарбастадир,***
***Юрт ишқи дилига жо-пайвастадир.***
***Ёзмасин бу боғда япроқ ёмонлик,***
***Мангу насиб этсин тинчлик, омонлик.***

**Соип МУҲАМЕДОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

# БОҒЧАДА ҒАЗАЛХОНЛИК КЕЧАСИ

Пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур туман Халқ таълими бўлимига қарашли 567-болалар боғчасида ифодали ўқиш ва болажонларни санъатга жалб этиш борасида ибратли ишлар олиб борилмоқда.

Бу ерда ташкил қилинган ғазалхонлик кечаси айниқса файзли ўтди. Унда боғчанинг тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари шеърият мулкининг султони Алишер Навоийнинг ғазал ва рубоийларидан намуналарни моҳирона ижро этдилар.

- Боғчамиз тарбиячилари ва болажонлар бугунги тадбирни янада мазмунли ўтказишга ҳаракат қилдилар, - деди мудира Мастура Мирсоатова. - Чунки улуғ бобокалонимизнинг назм дурдоналари неча асрлар ўтса ҳамки, мутолаа қилган кишини ҳайратга солади.

*ИИВ матбуот маркази хабар қилади*

## ЕРТЎЛА СИРИ

«Оқ оғу» ичга киргандан кейин гадони бой, қўрқоқни ботир қилади, деганлари рост экан. Бўлмасам, ийманиб юрадиган Абдураим ўз ўртоғига қўл кўтармиди...

Андижон вилоятининг Улуғнор туманидаги хўжаликларнинг бирида яшовчи Абдураим Маматов уйида таниши Нишон Рашидов билан биргаликда спиртли ичимлик ичиб, ўзаро жанжал сабаб унинг бошига оғир жисм билан уриб ўлдиргани ҳамда ертўлага яшириб қўйганлиги аниқланди.

Марҳум нега айнан ертўлада «сақлангани» сири терговдан сўнг маълум бўлади.

## «ҚЎЛДАН КЕЛСА ЕТИБ ОЛ...»

Инсон яхши ният билан узоғимни яқин, оғиримни енгил қилади, деган ниятда машина сотиб олиш учун йиллаб пул йиғади. Аммо ниятимга етдим, деганда бир нобакор келса-ю уни ўзиники қилиб олса, кимга алам қилмайди, дейсиз.

Фарғона шаҳрида кўчада турган, шу ерда яшовчи, кўрлар жамияти таъминотчиси, Жуман Жўраевнинг «ВАЗ-2103» русумли автомашинасини данғаралик Ҳамид Ҳотамов ҳайдаб қочади.

Тергов жараёнида Ҳамид машина эгасининг ета олмаслигини таъкидлар экан, милиция ходимларининг учқурлигига тан бермоқда.

## ЖИНОЯТ ОЛДИ ОЛИНДИ

Олмалиқ шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Игор Владимировнинг бежо хатти-ҳаракатлари нафақат қўни қўшниларни, балки милиция ходимларини ҳам шубҳалантирарди. Шаҳарда ўтказилаётган оператив тадбирлар натижасида унинг уйидан 1986 йилда ишлаб чиқарилган РС-31 русумли тўппонча 25 дона ўқи билан, 16 калибрли ов милтиғи 2 дона ўқи билан ноқонуний сақланаётганлиги аниқланди ва ёнидан 1,8 грамм марихуанна гиёҳванд моддаси ҳам топиб олинди. Оғир жиноятларни содир этиши мумкин бўлган бу қуролларнинг эгаси тергов вақтида уни пуллаш ниятида бўлганлигини айтмоқда.

## МЕҲМОННИ БАДНОМ ҚИЛИШДИ

Меҳмон отангдан улуғ, дейишади. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, баъзи фуқароларимиз одатимизга доғ туширишмоқда.

Шаҳримизга тадбиркорлик важидан ташриф буюрган Покистон Республикаси фуқароси Давид Муҳаммад Исмоил вақтинча Чилонзор даҳасида яшаб келарди. Ярамас кимсалар унинг уйига кириб, куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, 500 минг сўмлик чарм курткаларини ва бошқа буюмларини олиб, «сийлаб» кетган эди. Ушбу жиноятни ҳеч қаерда ишламайдиган Юнусобод туманида яшовчи Латиф Нишонов, Қодир Равшанов ва Азиз Йўлдошевлар содир этганликлари аниқланиб, қўлга олиндилар. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

## УВОЛ ЭМАСМИ?

Чорва билганга фақат фойда келтиради. Аммо қаровсиз қолдирилган моллар зиён етказиши аниқ.

Сирдарё вилояти Гулистон туманида яшовчи Қўчқор Салимов ва Эргаш Норжигитовларга тегишли 4 бош от «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг 0,14 сотих буғдой экилган майдонини пайҳон қилганлиги аниқланиб, уларни маъмурий жазога тортиш масаласи туман судида кўрилмоқда.

**Шерали АНВАРОВ.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Буюртма Г— 114.